

Тавофда ўқиладиган дуолар



15:00 / 14.06.2024 148282

Тавофга киришгандан кейин ҳар айланишда алоҳида-алоҳида дуолар ўқилади. Ўқувчига қулай бўлиши учун китобда ҳар айланишга алоҳида сарлавҳа тайин қилиб, уларнинг ҳар бирида ўқиладиган дуоларни келтирдик. Шунинг ёдда тутингки, ушбу дуоларнинг барчаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган, лекин биз ушбу китобда келтирган тартибда нақл қилинган эмас. Шунинг учун китобда келтирилгандан бошқа дуоларни ҳам ўқиш мумкин. Лекин рукни ямоний билан ҳажарул асвад оралигида ўқиладиган дуо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан айнан биз ёзгандек собит бўлган.

??????? ?????????? ?????????? ???

«Субҳааналлоҳ, валҳамдулиллааҳ, ва лаа илааҳа иллаллоҳ, валлоҳу акбар. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллааҳил ъалиийил

Ъазийм. Вас-солаату вас-салааму ъалаа Расулиллаахи соллаллоху алайхи васаллам. Аллохумма, иймаанан бика ва тасдийқон бикалимаатика ва вафаан биъахдика ва иттибааъан лисуннати Набиййика ва хабибика, саййидина Мухаммадин соллаллоху ъалайхи васаллам. Аллохумма, инний асълалукал ъафва вал офията вал маъофатад-даимата фид-дийни вад-дуня вал аахироти вал фавза бил жаннати ван-нажаата минан-наар».

Маъноси: *«Аллох барча айбу нуқсонлардан покдир. Барча мақтовлар Аллохгадир. Аллохдан ўзга илох йўқ. Аллох улуғдир. Тоатга қувват ҳам, гуноҳдан сақланишга бўлган қувват ҳам ёлғил алиюл азим бўлган Аллох таоло тарафидандир. Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга салавоту саломлар бўлсин. Аллоҳим! Сенга иймон келтириб, калималаригни тасдиқ қилиб, аҳдингга вафо қилиб, Набийингнинг суннатига эргашиб (тавоф қиламан). Аллоҳим, Сендан дину дунё ва охиратда афв ва офиятни, абадий кечирингнинг ҳамда жаннатга эришиб, дўзахдан нажот топишимни сўрайман».*

Кўрсатма: Юқоридаги дуоларни рукни ямонийга етиб боргунча тугатиш лозим, чунки рукни ямоний билан ҳажарул асвад орасида ўқиладиган алоҳида дуо бор бўлиб, бу дуо ҳадис билан собит бўлган. Дуонинг лафзи қуйидагича:

«Аллохумма, инний асълалукал ъафва вал офията фид-дунйаа ва фил аахиро. Роббана! Аатинаа фид-дунйаа ҳасанатан, ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ъазаабан-наар. Ва адхилнал жанната маъл аброр, йаа Азизу, йаа Ғоффаар, йаа Роббал ъааламийн».

Маъноси: *«Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офиятни сўрайман. Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилиқни ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргазгин, эй Азиз, эй Ғоффор, эй оламларнинг Робби!»*

??????? ????????????? ??????

«Аллохумма! Инна ҳаазал Байта Байтука, вал Ҳарома Ҳаромука, вал амна амнука, вал ъабда ъабдука, ва ана ъабдука вабну ъабдика, ва ҳааза мақомул ъоизи бика минан-наар. Ва ҳаррим луҳуумана ва башаротанаа ъалан-наар. Аллохумма! Ҳаббиб илайнал иймаана ва зайинҳу фий қулуубинаа, ва карриҳ илайнал куфро вал фусууқо вал ъисйаана, важълалнаа минар-рошидийн. Аллохумма! Қиний

Ъазабака йавма табъасу ъйбаадак. Аллоҳумма урзуқнийл жанната биғойри ҳисааб».

Маъноси: *«Аллоҳим, бу Байт Сенинг Байтингдир ва Ҳарам Сенинг Ҳарамингдир. Бу ердаги омонликни Сен қоим қилгансан. Банда Сенинг бандангдир ва мен Сенинг банданг ва бандангнинг фарзандиман. Бу жой Сенинг мададинг ила дўзахдан паноҳ сўраладиган жойдир. Гўштаримизни, териларимизни дўзахга ҳаром қилгин. Аллоҳим! Бизларга иймонни суюкли қилгин. Қалбларимизга уни чиройли кўрсатгин. Бизларни куфр, фисқ ва гуноҳдан нафратлантир ҳамда бизларни ҳидоят топгувчилар сафида қил. Аллоҳим! Бандаларингни тирилтирадиган кунингда мени азобингдан сақла. Аллоҳим! Ҳисоб-китобсиз жаннатингни насиб қил».*

Кўрсатма: Ушбу дуони рукни ямонийга етиб боришдан олдин ўқиб бўлиш керак. Рукни ямонийга етилгач куйидаги дуо ўқилади:

«Аллоҳумма! Инний асълукал ъафва вал офията фид-дунйаа ва фил аахиро. Роббанаа! Атинаа фид-дунйаа ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ъазаабан-наар. Ва адхилнаал жанната маъал аброр, йаа Ўазийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ъааламийн!».

Маъноси: *«Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Эй Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилиқ ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргазгин, эй Азиз, эй Ғоффор, эй оламлар Робби!»*

????? ????????? ?????????? ???

«Аллоҳумма! Инний аъузу бика минаш-шакки ваш-ширки ван-нифаақи ваш-шиқоқи ва сууил-ахлоқи ва сууил манзори вал мунқолиби фил маали вал аҳли вал валад. Аллоҳумма! Инний аъузу бика мин фитнатил қобри ва аъузу бика мин фитнатил маҳйаа вал мамаати ва аъузу бика минал хизйи фид-дунйаа вал аахиро».

Маъноси: *«Аллоҳим! Шакка тушишдан, ширкдан, мунофиқликдан, амрингга хилоф қилишдан, ёмон хулқдан, молим, аҳлим ва фарзандимга қайтганда хунук ҳолатга дучор бўлишдан паноҳ сўрайман. Аллоҳим! Қабр фитнаасидан, ҳаёт ва мамот фитнаасидан ҳамда дунёю охират хорликларидан паноҳ сўрайман».*

Кўрсатма: ушбу дуони ҳам рукни ямонийга етиб боришдан олдин ўқиб тугатиб, ундан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

«Аллоҳумма! Инний асълукал ѓафва вал офията фид-дунйаа ва фил аахиро. Роббанаа! Атинаа фид-дунйаа ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ѓазабан-наар. Ва адхилнал-жанната маъл аброр, йаа Ўзийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ѓааламийн».

Маъноси: *«Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Эй Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргизгин, эй Азиз, эй Ғоффор, эй оламлар Робби!»*

???????? ?????????????? ??????

«Аллоҳумм! Ижълҳу ҳажжан мабруурон, ва саъйан машкуурон, ва занбан мағфуурон, ва ѓамалан солиҳан мақбуулан ва тижаротан лан табуур. Йаа Ўалима маа фис-судуур! Ахрижний йаа Аллоҳу миназ-зулумаати илан-нуур. Аллоҳумма! Инний асълука муужиббаати роҳматика, ва ѓазааима мағфиротика, вал ғониймата мин кулли бирр, вас-салаамата мин кулли исм, вал фавза бил жаннати ван-нажаата минан наар. Робби! Қанниъний бимаа розақтаний ва баарик лий фий маа аътиний, вахлуф ѓалаййа кулли ғоибатин лий минка бихойрин» (Китаби манаасик).

Маъноси: *«Аллоҳим! Бу ҳажимни ҳажжи мабрур қилгин. Ҳаракатимни манфаатли қилгин. Гуноҳларимни мағфират қилгин. Амалларимни солиҳ ва мақбул қилгин. Касодга учрамайдиган тижорат қилгин. Эй диллардаги нарсаларни билгувчи Зот! Мени зулматдан нурга чиқаргин. Аллоҳим! Сендан раҳматинг вожиб бўлишини, мағфиратингга сабаб бўлишини, ҳар бир яхшиликдан бир ўлжани, ҳар бир гуноҳдан саломатликни, жаннатга эришиб, дўзахдан нажот топишни сўрайман. Роббим! Мени берган ризқингга қаноат қилгувчи қилгин ва менга берган нарсангда барака бергин. Менга насиб қилмаган барча нарсаларинг эвазига яхшилик бер».*

Кўрсатма: Ушбу дуони рукни ямонийга етиб боришдан олдин тугатиб, ундан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

«Аллоҳумма! Инний асълукал ѓафва вал офията фид-дунйаа ва фил аахиро. Роббанаа! Атинаа фид-дунйаа ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ѓазабан-наар. Ва адхилнал жанната маъл аброр, йаа Ўзийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ѓааламийн».

Маъноси: «Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргизгин, эй Азиз, эй Ғаффор, эй оламлар Робби!»

?????? ?????????? ?????

«Аллоҳумма! Азилланий таҳта зилли ʔаршика йавма лаа зилла илла зиллу ʔаршик. Ва лаа баақия илла важҳук, васқиний мин ҳавди Набиййика саййидинаа Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллам шурбатан ҳаниʔатан мариʔатан лаа назмау баъдаҳаа абадаа! Аллоҳумма! Инний асʔалука мин хойри маа саалака минҳу Набийюка саййидуна Муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи васаллама ва аъузу бика мин шарри маа истаъаза бика минҳу Набийюка саййидуна Муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи васаллама ва антал мустаъану ва алайкал балаағу ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ. Аллоҳумма! Инний асʔалукал жанната ва наъиймаҳаа ва маа йуқоррибуний илайҳаа мин қовлин ав фиълин ав амалин ва аъузу бика минан-наари ва маа йуқоррибуний илайҳаа мин қовлин ав фиълин ав амалин».

Маъноси: «Аллоҳим! Аршинг соясидан ўзга соя йўқ кунда мени аршинг соясида қилгин. Ўзингдан ўзга боқий қолгувчи йўқдир. Мени Набийинг, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳавзи (кавсари)дан бир ютим тотли сувни қайтиб чанқамайдиган қилиб ичиргин. Аллоҳим, мен Набийинг, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сўраган барча яхшиликларни сўрайман. Набийинг, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам паноҳ сўраган нарсаларнинг барчасининг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Мадад сўраладиган ҳам, кифоя қилгувчи ҳам фақат Ўзингсан. Тоатга ҳам, маъсиятдан сақланишга ҳам қудрат ёлғиз Аллоҳ таоло томонидандир. Аллоҳим! Сендан жаннат ва унинг неъматларини ҳамда унга яқин қилувчи сўз, феъл ва амални сўрайман. Дўзахдан ва дўзахга яқин қилгувчи сўз, феъл ва амалдан паноҳ сўрайман».

Кўрсатма: Ушбу дуони рукни ямонийга етиб боришдан олдин тугатиб, ундан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

«Аллоҳумма! Инний асʔалукал ʔафва вал-офията фид-дунйаа ва фил аахиро. Роббанаа аатинаа фид-дунйаа ҳасанатан вафил аахироти ҳасанатан ва қинаа ʔазабан наар. Ва адхилнаал жанната

маъл аброр йаа ʒазийз йаа ғоффар йаа Роббал ʒааламийн».

Маъноси: *«Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргизгин, эй Азиз, эй Ғоффор, эй оламлар Робби!»*

?????? ????????????? ??????

«Аллоҳумма! Инна лака алайя ҳуқуқан касиротан фий маа байний ва байнака, ва ҳуқуқон касийротан фий маа байний ва байна ҳолқик. Аллоҳумма! Маа каана лака минҳаа фағфирҳу лий, ва маа каана лихолқика, фатаҳаммилҳу ʒанний, вағний бихалаалика ʒан ҳаромик, ва битоʒатика ʒан маъсиятик, ва бифадлика амман сиваак, йаа ваасиʒал мағфироҳ! Аллоҳумма! Инна байтака ʒазийм, ва важҳака карийм. Ва анта, йаа Аллоҳ, ҳалимун кариймун ʒазиймун! Туҳиббул ʒафва, фаъфу ʒанний» (Китоби манаасик).

Маъноси: *«Аллоҳим! Сен билан менинг орамда зиммамда Сен учун кўп ҳақлар бор. Мен билан махлуқотларинг ўртасида ҳам кўп ҳақлар бор. Ўша ҳақлардан Сен учун бўлганини мендан мағфират қилгин. Махлуқотларинг учун бўлган ҳақни менинг номимдан зиммангга олгин. Ҳалолинг билан ҳаромингдан, тоатинг билан Сенга маъсият қилишдан, фазлинг билан Ўзингдан ўзгадан мени беҳожат қилгин, эй мағфирати кенг Зот! Аллоҳим! Байтинг улуғдир, Зотинг каримдир. Аллоҳим! Ўзинг Ҳалим, Карим, Азим Зотсан. Афвни хуш кўрасан, мени мағфират қилгин».*

Кўрсатма: Ушбу дуони рукни ямонийга етиб боришдан олдин тугатиб, ундан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

«Аллоҳумма! Инний асʒалукал ʒафва вал офията фид-дунйаа ва фил аахиро. Роббанаа аатиная фид-дунйаа ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ʒазабан-наар. Ва адхилнал жанната маъл аброр, йаа ʒазийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ʒааламийн».

Маъноси: *«Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргизгин, эй Азиз, эй Ғоффор, эй оламлар Робби!»*

?????? ????????????? ??????

«Аллоҳумма! Инний асълука иймаанан каамилаа, ва яқийнан содиқо, ва ризқон ваасиъаа, ва қолбан хошиъаа, ва лисаанан зокиро, ва ҳалаалан тоййибаа, ва тавбатан насухаа, ва тавбатан қоблал мавт, ва мағфиротан ва роҳматан баъдал мавт, вал ъафва ъиндал ҳисaab, вал фавза бил жаннати ван-нажаата минан-наар, бироҳматика йаа Азиз, йаа Ғоффаар! Робби, зидний ъилман ва алҳиқний бис-солиҳийн» (Китоби манаасик).

Маъноси: «Аллоҳим! Мен Сендан комил иймон, ҳақиқий ишонч, кенг ризқ, синиқ қалб, зикр қилувчи тил, ҳалол-пок ризқ, чин тавба, ўлимдан олдинги тавба, ўлимдан кейин мағфират ва раҳмат сўрайман. Ҳисоб-китоб вақтида ўтим қилишингни, раҳматинг ила жаннатга эга қилиб, дўзахдан паноҳ беришингни сўрайман. Эй Азиз, эй Ғаффор! Аллоҳим! Илмимни зиёда қилгин ва солиҳ бандаларинг сафига қўшгин».

Кўрсатма: Ушбу дуони рукни ямонийга етиб боришдан олдин тугатиб, ундан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

«Аллоҳумма! Инний асълукал ъафва вал офията фид-дунйаа ва фил аахиро. Роббанаа! Атинаа фид-дунйаа ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ъазабан наар! Вадхилнал жанната маъал аброр, йаа Ўазийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ъааламийн».

Маъноси: «Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргизгин, эй Азиз, эй Ғаффор, эй оламлар Робби!»

Тавоф тугагандан кейин «Мақоми Иброҳим» деб аталган белгили жойда ёки унга яқин бир ерда икки ракат намоз ўқилади. Биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан кейин Кафирун, иккинчи ракатда эса, Ихлос сурасини ўқиш тавсия этилган. Сўнгра Аллоҳга илтижо этиб, хоҳлаганича дуолар қилинади.

Мақоми Иброҳим билан қора тош (ҳажарул-асвад) иккаласи ҳам жаннат тошларидандир. Бу ҳақда ҳадисларда шундай дейилган:

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: **«Рукн (қора тош) ва Мақом(и Иброҳим) жаннат ёқутларидан икки ёқутидир. Аллоҳ уларнинг нурини ўчирди. Агар уларнинг**

нурини ўчирмаганида, машриқ билан мағриб ўртасини ёритар эди».

Термизий ривоят қилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мўминнинг умр сафари китобидан)